

O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 23 февраль • №8 (1442)

СИЁСАТ

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти Миср ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Миср Араб Республикасига расмий ташрифининг биринчи кунини ушбу мамлакат етакчи компаниялари раҳбарлари билан учрашувдан бошлади. Миср томонидан тадбирда халқаро ҳамкорлик бўйича вазир Рания ал-Машат, Савдо палаталари федерацияси президенти Иброҳим Махмуд ал-Арабий, "Elsewedy Electric", "El Araby Group", "Orascom Construction", "Poliserve

Group", "Al-Rowad", "Lotus Garments Group" каби йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Учрашувда икки томонлама муносабатларда улкан салоҳият борлиги, ишбилармонлик ва тадбиркорлик алоқаларини кенгайтириш, Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги ўзаро инвестицияларни фаоллаштириш ва савдонини ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Давоми 2 - бетда ▶

TIBBIYOT OLAMIDA



2022 йилда 1000 дан ортиқ маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилган бўлса, 2023 йилда яна 500 тасини ташкил этиш режалаштирилган. Бундан ташқари, Республика бўйича 30 та оилавий поликлиника, 110 та оилавий

шифокор пунктлари ташкил этилиб, жами бирламчи тизим муассасалари сони 4200 тага етказилади ва бунинг натижасида қўшимча 2 миллион нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилади.

2023 йилда ҳомиладор ва бола эмизувчи аёллар ҳамда 8,5 миллион нафар 3-15 ёшдаги болалар, йод препарати билан таъминланади. 5,9 миллион нафар 35 ёшгача туғиш ёшидаги аёлларни поливитамин, темир ва фолий кислотаси препарати билан бекуп таъминлаш кўзда тутилган. Эшитиш қобилияти паст бўлган 250 нафар болаларга кохлеар имплант ўрнатилади (32 миллиард сўм). Спинал мушак атрофияси бор 112 нафар болаларни даволаш учун 120 миллиард сўмлик дори воситалари етказиб берилади.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИДА ЙИҒИЛИШ ЯНГИЧА ФОРМАТДА ЎТКАЗИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов ташаббуси билан Соғлиқни сақлаш вазириликнинг ҳафталик йиғилишлари формати ва дастурига жиддий ўзгартиришлар киритилди.

Бундан буён "аппарат" деб номланган йиғилиш иштирокчилари таркибига вазирилик марказий аппарати ходимлари ва бошқарма бошлиқларидан ташқари Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири, Тошкент шаҳар ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари раҳбарлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари раҳбарлари ва масъул ходимлари, олий тиббиёт таълим муассасалари ректорлари, шунингдек, ушбу соҳани амалга ошириш учун масъул бўлган шахслар қиради. Пойтахтдан ташқарида жойлашган ташкилот ва муассасалар вакиллари йиғилишда онлайн тарзда иштирок этадилар.

Ҳар бир бўлим ёки муассаса кун тартибидеги масала юзасидан тақдимот шаклидаги ҳисоботини тақдим этади. Унда жорий йил ва яқин келажак учун белгиланган асосий вазифалар, ҳисобот даврида бажарилган ишлар, мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилиши керак.

Онлайн учрашувларнинг ушбу формати ижрочиларнинг бутун вертикал бўйича фикр-мулоҳазаларини тақдим этиш, муҳокама қилинаётган масалалар бўйича қабул қилинган қарорларнинг шаффофлиги ва самарадорлигини таъминлаш, бевосита ижрочиларнинг фикрини тинглаш, шунингдек, тасдиқланган тадбирларни амалга оширишнинг барча босқичларида ижро интизомини яхшилаш имконини беради.

МИНЗДРАВ ВНЕДРЯЕТ НОВЫЙ ФОРМАТ ПРОВЕДЕНИЯ СОВЕЩАНИЙ

По инициативе министра здравоохранения Республики Узбекистан Амрилло Иноятова в формат и программу проведения еженедельных заседаний Минздрава внесены серьезные изменения.

Отныне в состав участников так называемых «аппаратных» совещаний, помимо сотрудников центрального аппарата министерства и начальников управлений, будут включены министр здравоохранения Республики Каракалпакстан, начальники Ташкентского городского и областного управления здравоохранения, руководители Республиканских специализированных научно-практических медицинских центров, а также руководители и ответственные работники региональных управлений здравоохранения, районных медицинских объединений, ректоры высших медицинских учебных заведений, а также лица, ответственные за реализацию рассматриваемого на совещании направления деятельности. Представители организаций и учреждений, дислоцированных за пределами столицы, будут участвовать в работе совещаний в онлайн-режиме.

Каждое управление или учреждение, деятельность которого внесена в повестку дня, представляет отчет в виде презентации, в которой должны быть отражены основные задачи на текущий год и ближайшую перспективу, информация о проделанной работе за отчетный период, существующие проблемы и пути их решения.

Данный формат совещаний в онлайн-режиме даёт возможность осуществления обратной связи со всей вертикалью исполнителей, позволяет обеспечить прозрачность и оперативность принятых решений по обсуждаемым вопросам, выслушать мнение непосредственных исполнителей, а также повысить исполнительскую дисциплину на всех этапах реализации утверждённых мероприятий.



Тиббиёт институтиларида 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб бакалаврият, магистратура ва клиник ординатура ўқув режаларига "нано технология", "тиббиёт генетикиси", "IT-технологияси" каби фанлар киритилади ва хорижий педагогларни жалб қилган ҳолда ўқув жараёнлари ташкил этилади. Таълим муассасасини би-тираётган ҳар бир мутахассис камида 1 та чет тилига муккамал эга бўлади. Вазирлик томонидан жорий йил бошидан 150 нафар мутахассислар Германия, Ҳиндистон, Туркия ва Корея давлатларига 3-4 ойлик малака оширишга юборилади. Йил охиригача 1 500 нафар малакали мутахассислар хорижга малака оширишлари режалаштирилган, шунингдек, 600 нафар хорижий мутахассислар мамлакатимизга таклиф этилади.

2023 йилда

халқаро стандартлари асосида Самарқанд, Фарғона ва Хоразм вилоятларида нурли (радио) терапия марказларини ташкил қилиш ишлари бошланади. Тошкент вилояти Нурафшон шаҳрида замонавий кўптармоқли тиббиёт шаҳарчасини барпо этиш ишлари бошлаб юборилди. Сингапур билан ҳамкорликда Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида Давлат хусусий шериклик асосида репродуктив марказлари ташкил қилинади.



Бугунги сонда:

МАҚСАДИМИЗ:
ТИББИЁТНИ
РАҚАМЛАШТИРИШ,
АҲОЛИНИ
СИФАТЛИ ВА
ХАВФСИЗ ДОРИ ВОСИТА-
ЛАРИ БИЛАН
ТАЪМИНЛАШДИР



2

КОНТРАКТ ПУЛЛАРИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН
ТўЛАБ БЕРИЛАДИ



3

ОРЗУЛАР КАРВОНИДА
БАРДАВОМ
МАНЗИЛЛАР



8



МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти Миср ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди

← Давоми 2-бетда

Мамлакатимиз етакчиси Микки мамлакат ишбилармон доиралари биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан ўтмишда гуллаб-яшнаган Буюк Ипак йўлидек мустаҳкам ҳамкорлик кўприкларини қайта тиклашда муҳим ўрин тутишини кўрсатиб ўтди. Кейинги йиллардаги шериклик суръати мамнуният билан қайд этилди. Хусусан, товар айирбошлаш кўрсаткичлари каррасига ошди, қўшма лойиҳа ва корхоналар сони 6 баробар кўпайди.

Давлатимиз раҳбари кунни кеча ўтган Ўзбекистон-Миср бизнес форумининг самарали натижаларини, унинг якунида умумий киймати 1,6 миллиард долларлик 20 дан зиёд битим ва шартномаларни амалга ошириш юзасидан аниқ келишувларга эришилганини юксак баҳолади.

Энергетика, электротехника, кимё, тоғкон, тўқимачилик, қи-



шлоқ хўжалиги, фармацевтика, чарм-пойабзал тармоқларида саноат кооперацияси учун кенг имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

– Миср компанияларига мамлакатимизда катта инвестиция дастурларини биргаликда амалга ошириш учун барча им-

кониятлар очик, - деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳамкорликнинг истикболли йўналишлар ва янги ўсиш нуқталарини рўёбга чиқариш юзасидан фикр алмашилди. Қўшма лойиҳа ва келишувларни амалга оширишни тез фурсатда бошлаш бўйича таклифлар билдирилди.

Мисрнинг етакчи компаниялари вакиллари ўз чиқишларида Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохот-

ларни юқори баҳоладилар. Бўлаётган янгиланишлар, иқтисоднинг либераллашуви ва қулай инвестиция муҳити яратилгани Миср бизнесининг Ўзбекистон бозоридаги фаолиятини кенгайтириш учун катта имкониятлар очётгани алоҳида қайд этилди. Масалан, “Elsewedy Electric” компанияси электр энергияси, трансформаторлар ва кабель маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича Мисрдаги энг йирик корхона бўлиб, шамол ва кўёш электр станцияларини куриш, трансформаторлар, кабель-сим маҳсулотлари ва қўшимча қисмларни ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқишга тайёр.

“Ogascom Construction” Ўзбекистонда индустриал парк яратган ҳолда унинг худудда лок-бўёқ маҳсулотлари ва курилиш материаллари учун кимёвий моддалар ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, шунингдек, 100 МВт қувватли шамол электр станциясини куришдан манфаатдор эканини бил-

дирди. Икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш борасида фикр-мулоҳазалари билан бўлишиб, Мисрнинг йирик сармоядорлари мамлакатимизни Марказий Осиё бозорларига чиқиш учун кўприк сифатида кўраётганларини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев билдирилган режа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистон томонининг мутасаддиларига таклиф этилган лойиҳалар ижроси устидан қатъий назоратни таъминлаш топширигини берди.

√ **Учрашув якунида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва савдо-инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича қўшма “йўл харитаси” қабул қилиниши белгилаб олинди.**

Ў.А.



МАҚСАДИМИЗ: ТИББИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ, АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ВА ХАВФСИЗ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДИР

Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг бугунги ҳолати ҳамда соҳадаги бошқа муҳим вазифалар ижросига бағишланган танқидий-таҳлилий йиғилиш ўтказди.



Видеоселектор шаклидаги ушбу мажлисда вазирлик марказий аппарати масъул ходимлари, тузилма раҳбарлари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари бош шифокорлари иштирок этди. Кун тартибидаги дастлабки масала кадрлар сиёсати ва ижро интизомига доир бўлди.

Қайд этилганидек, замонавий тиббиётни ахборот технологияларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан соҳани рақамлаштириш, даволаш-профилактика муассасалари фаолиятига элек-

трон тизимларни кенг жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу орқали аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, соҳани янада такомиллаштириш, тиббиёт ходимлари ва беморлар учун қулай шарт-шароит яратиш мақсад қилинган. Хусусан, Президентимизнинг 2021 йил 23 февралдаги “Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан вазирлик муассислигида “IT-Med” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, у “Электрон соғлиқни сақлаш” ахборот

тизимлари ягона комплексини жорий этишга масъул этиб белгиланган эди. Бироқ ўтган давр мобайнида бу йўналишдаги ишлар етарли даражада ташкил қилинмади. Тиббиёт муассасалари фаолиятига ахборот технологиялари талаб даражасида татбиқ этилмади. Оқибатда эса давлатимиз раҳбари томонидан тизим фаолиятига доир қўйилган бир қатор муҳим вазифалар ижроси таъминланмади.

Вазир Амрилло Иноятов йиғилишда ушбу масалаларга тўхталар экан, муаммоларнинг илдизи “IT-Med”га етакчилик қилиб келган раҳбар кадрда бугунги замон талабларига мос билим ва салоҳият, ташаббускорлик, масъулият, муаммоли масалалар ечимига профессионал ва креатив ёндашув етишмаслигини таъкидлаб, ушбу тузилма фаолиятини жиддий танқид остига олди. Шундан келиб чиқиб, ўз ишида қатор камчиликларга йўл қўйгани учун муассаса раҳбари Артур Ҳақимов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, йиғилишда вазир аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари ҳамда тиббий буюмлар билан таъминлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, бу йўналишдаги оғрикли муаммолар ҳақида ўта танқидий фикрлар билдириб ўтди. Йиғилиш якунида ушбу соҳага масъул бўлган вазирлик қошидаги “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш Давлат маркази” давлат унитар корхонасига янги раҳбар тайинланди. Унинг зиммасига ушбу йўналишда шаффоф тизимни яратиш, соҳага халқаро стандартлар, юқори технологияли лабораторияларни жорий қилиб, мамлакатда фармация соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, марказда фаолият кўрсатувчи кадрлар малакасини жаҳон талаблари даражасида ошириб бориш ҳамда ўз ишига ҳалол ҳамда виждонан ёндашадиган билимли ва маҳоратли мутахассислардан иборат жамоани шакллантириш каби муҳим вазифалар юклатилди.

Йиғилишда, шунингдек, вазирликнинг Соғлиқни сақлаш тизими инфратузилмасини ривожлантириш, уларни эксплуатация қилиш ва транспорт ҳисобини юритиш бошқармаси ҳамда Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бошқармасига янги бошлиқлар тайинланди. Уларга қисқа мuddатда мазкур йўналишдаги ишларни бутунлай янгича тизим асосида йўлга қўйиш вазифаси топширилди.

@ssvuz.

ФАН УФҚЛАРИ

Болажон халқмиз. Бу фазилят давлатимизнинг ёш авлодга доир сиёсатига ҳам тўлатқис кўчган. Хусусан, эртамиз эгалари саломатлиги алоҳида эътиборда. Гўдакларни ҳали она вужудида эканлигидаёқ шифокорлар назоратига олиш тизими йўлга қўйилган.

татбиқ этилди. Ушбу даврда юртимизда илк бор юқори ичак туткич артерияси синдромини энг илғор технологиялар ёрдамида аниқлаб, уни мураккаб операция орқали баратараф этиш йўлга қўйилди. Шунингдек, мамлакатимизда биринчи марта 2 нафар жажжи беморда юз

қилинди. Эътиборли жиҳати, бундай ютуқларимиз пойтахт билан chegarаланиб қолмай, ҳудудларда ҳам амалиётга кенг татбиқ этиляпти. Жумладан, Жиззах, Фарғона, Тошкент вилоятларида илк бор тизимли бошланувчи ювенил артрит аниқланган болаларни генно-инженер терапияси орқали даволаш ўзлаштирилди.



Шунингдек, болаларда мальабсорция синдромини ичаклар баръери ўтказувчанлигини ҳисобга олган ҳолда дифференцияланган муолажа қилиш ҳамда муковисцидоз касаллигини ҳам шу усулда даволаш йўлга қўйилди.

Дилором АХМЕДОВА,
Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

НОЁБ ОПЕРАЦИЯЛАР ОРҚАЛИ ДАВОЛАШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Ўз навбатида, уларнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Сўнгги

икки йилда ушбу муассасада дунёнинг энг илғор мамлакатларида қўлланила бошланган 39 та янги диагностик ва даволаш усуллари амалиётга

нервининг пластика микрохирургик операцияси бажарилди. Натижада уларда юз ассиметрияси ва нуқсонли каминвазив йўл билан муолажа

МАҲОРАТ, ТАЖРИБА, АМАЛИЁТ

Замонавий тиббиёт бугун инновацион ёндашувлар асосида ривожланмоқда. Соҳага татбиқ этилаётган илғор технологиялар ўта мураккаб операцияларни ҳам кам инвазив йўл билан, қисқа вақт ичида, энг муҳими, муваффақиятли бажариш имконини берапти. Кейинги йилларда академик В.

Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказида ана шундай янгича диагностика ва муолажа усуллари жорий этилмоқда. Натижада минглаб оғир беморларнинг ҳаётини асраб қолиш имконияти яратилляпти.

ЭНДОВОСКУЛЯР УСУЛДА ИЛК БОР СТЕНТ-ГРАФТ ЎРНАТИЛДИ



Муассасамизда барча турдаги хирургик касалликлар, жумладан, абдоминал, юрак-кон томир, ўпка ва кўкс оралиғи хасталиклари аниқланади ҳамда даволанади. Ҳозир мутахассисларимиз 350 дан зиёд турдаги кам инвазив юқори технологик операциялар ўтказяпти. Улардан 230 таси ноёб амалиётлар турига киради. Ўтган йили юртимизда илк бор эндовизиуал хирургия бўлимида лапароскопик усулда меъда ости беги инсулиномасининг энуклеацияси ҳамда меъда проксимал қисми ўсмасида гастрэктомия амалиётларини бажаришни йўлга қўйдик.

Рентгенэндоваскуляр хирургия бўлимида эндоваскуляр усулда бўлмачалараро тўсиқни баратараф этиш операцияси муваффақиятли ўтказилиб, 2022 йилнинг ўзида 11 турдаги янги амалиёт ўзлаштирилди. Аорта

Бинобарин, Фарғона вилоятининг Кўқон шахри, Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Сирдарё вилоятининг Оқолтин, Хоразм вилоятининг Урганч, Бухоро вилоятининг Вобкент туманларида илк бор буйрак трансплантацияси ўтказилди.

Саидмурод ИСМАИЛОВ,
Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори.

ИМКОНИАТ

Магистратура қишки қабулида ўқишга кирган хотин-қизларнинг контракт пуллари ҳам давлат томонидан тўлаб берилади.

КОНТРАКТ ПУЛЛАРИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ



Президентимизнинг тегишли фармони ва қарорига кўра, давлат олий таълим муассасаларининг магистратура босқичида ўқиётган барча хотин-қизларнинг контракт-тўловлари қайтариш шартисиз қоплаб берилиши белгиланган. Бу тартиб, шунингдек, магистратура

қишки қабулида тўлов шартнома асосида ўқишга қабул қилнган хотин-қизларга ҳам бирдек амал қилади. Шу боис магистратурага тавсия этилганлар ушбу имтиёздан фойдаланиш мақсадида ОТМ раҳбариятига ариза билан мурожаат қилишлари сўралади.

Маълумот ўрнида, мазкур тартиб белгиланган муддатга қадар ариза бермаганларга, табақалаштирилган тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинганларга ҳамда нодавлат ОТМнинг магистратураси учун татбиқ этилмайди.

“ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

Қўшқўпир туман тиббиёт бирлашмасида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари ва туман шифоокрлари томонидан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хирург трансплантолог Жасур Собиров бошчилигида ўтказилган буйрак трансплантацияси амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Бундан беш-олти йил муқаддам буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти имконсиз муолажалардан бири эди. Иқтисодий имкониятлари етарли бўлган юртдошларимиз 40 минг-50 минг АҚШ доллари сарфлаб хорижий мутахассисларга мурожаат қилишарди. Бу эса ҳазилкам маблағ эмас. Пули бўлмаган беморлар эса ўзларини тақдир ҳукмига топширишдан бошқа иложи йўқ эди. Тиббиётдаги жадал ўзгаришлар қисқа фурсатда мана шу ноёб амалиётни ўзимизда ҳам кенг қўллаш имконини берди. Бундан икки йил муқаддам Хоразм вилоятида илк марта буйрак кўчириб ўтказиш амалиёти ўтказилганда мўъжизадай қабул қилинган эди.

► Бугун эса бундай амалиёт туман даражасида ўтказилди.

Қўшқўпир туман тиббиёт бирлашмасида вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази мутахассислари ва туман шифоокрлари томонидан академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази хирург трансплантолог Жасур Собиров бошчилигида ўтказилган буйрак трансплантацияси амалиёти муваффақиятли бажарилди.

Туманнинг Ўртаёп қишлоғида яшовчи Зафар Хаитбоев 42 ёшда. Фарзандларимни уйли-жойли қилиб юраман деб елиб-югуриб юрган кунларининг бирида саломатлигидаги муаммолар қаддини эгиб қўйди. Сурункали гломерулонефрит аралаш тури, сурункали буйрак етишмовчилиги терминал босқичи ташхиси билан ўтган йили гемодиализ муолажалари олишни бошлади. Оғасининг соғлиғидан ҳавотир олган синглиси Мавлуда унга бир буйрагини беришни айтди.

ИМКОНСИЗ САНАЛГАН ЖАРРОҲЛИК АМАЛИЁТЛАРИ ТУМАНДА ЎТКАЗИЛМОҚДА



Хоразм вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифоокори, тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Эгамбердиев ҳамкасблари билан бирга бемор ва донорни кўриклардан ўтазиб, амалиётни Қўшқўпир туман тиббиёт бирлашмасида ўтказишга қарор қилишди. Асосийси, амалиёт муваффақиятли бажарилди. Ҳозирда бемор ва донор саломатлиги қониқарли ҳолатда.

БИР ЙЎЛА ИККИ ХИЛ ОПЕРАЦИЯ

Вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида кейинги бир йилда буйрак кўчириб ўтказиш амалиётлари мунтазам ўтказилмоқда. Марказнинг беш нафар мутахассиси Ҳин-

дистонда малака ошириб келди. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази ходимлари маҳорат дарслари орқали маҳаллий шифоокрларни қўллаб туришибди.

Бу эса Ибн Сино издошлари аждодларга муносиб ворис эканлигининг яна бир исботидир. Аслида мамлакатимиз шифоокрларининг билим ва салоҳияти хорижий давлатлардаги ҳамкасблариникидан кам эмас. Фақат имконият ва шарт-шароит бўлса бас. Кейинги йилларда тиббиёт ходимларига улар узок йиллар орзу қилган имкониятлар яратиб берилмоқда. Шифоокрлар бундан самарали фойдаланиб, маҳоратларини ишга солмоқдалар. Ўтган йили Хоразм вилоят кўп тармоқли

тиббиёт марказида беморда бир йўла 2 та ноёб амалиёт ўтказилгани бунинг исботидир.

Хонқалик 47
яшар Бибижон Худой-

Иқтисодий имкониятлари етарли бўлган юртдошларимиз 40 минг-50 минг АҚШ доллари сарфлаб хорижий мутахассисларга мурожаат қилишарди. Бу эса ҳазилкам маблағ эмас. Пули бўлмаган беморлар эса ўзларини тақдир ҳукмига топширишдан бошқа иложи йўқ эди.

трансплантация жарроҳлик амалиётига тайёрлаш даврида беморда кўшимча касаллик - ўт тош касаллиги борлиги ва кўп йиллардан бери вақти-вақти билан безовта қилиб туриши

аниқланди, дейди марказ директори, тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Эгамбердиев. – Гуруҳимиз билан маслаҳатлашиб, беморнинг ўт копини ҳам олиб ташлашга келишдик. Бойси, бемор трансплантация амалиётидан кейин саломатлигини тиклаши учун маълум вақт керак бўлади. Ўт тошининг хуруж қилиши эса унинг соғлиғига жиддий зиён етказиши мумкин.

Шу тариқа марказда республикада биринчи марта бир вақтнинг ўзида юқори технологик – лапароскопик холецистэктомия (ўт копини олиб ташлаш) ва буйрак кўчириб ўтказиш трансплантация операциялари муваффақиятли амалга оширилди. Ҳозирги кунда Б. Худойбергановнинг саломатлиги яхши.

– Бизни қўллаб-қувватлаётган Президентимиздан, соғайишимиз учун бор маҳоратларини аямаган шифоокрлардан миннатдорман, дейди Бибижон.

– Вилоятимизда буйрак кўчириб ўтказишга эҳтижманд беморлар кўп. Уларнинг жонига оро бўлиш, ҳаёт сифатларини яхшилаш учун жамоамиз бор билим ва маҳоратини ишга солмоқда, дейди марказ директори, тиббиёт фанлари номзоди Шухрат Эгамбердиев.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, ушбу амалиётларнинг барчаси давлат тиббий суғуртаси жамғармаси маблағлари ҳисобидан ўтказилган.

– Текшириш ва буйрак

Ижтимоий аҳволи оғир юзлаб фуқаролар жамғарма ёрдами билан оғир асоратли, каттагина маблағни талаб этувчи касалликлардан юқори-технологик жарроҳлик амалиётлари ёрдамида тез ва осон, харажатсиз шифо топмоқдалар. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган инсонпарварлик сиёсатининг олий намунасидир.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.

МЕХНАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Бугунги кунда юртимиз тиббиёт муассасаларининг қайси бирида бўлмайлик, у ерда даволанувчилар учун яратилган шароит ва имкониятларни, шунингдек, шифо масканларининг замонавий аппаратуралар билан жиҳозланганлигини ҳамда малакали тиббиёт ходимларининг самарали фаолият олиб бораётганлигини кўриб хурсанд бўламиз.

Яқинда Наманган вилояти Уйчи туманида истиқомат қилувчи 6 ойлик кичкинтой жияним Муҳаммадазизнинг аҳволи оғирлашиб қолди. Тез ёрдам машинасида жиянимни зудлик билан Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказига олиб боришди. Муҳаммадазизнинг аҳволи оғир бўлганлиги сабабли, уни тезда реанимация бўлимига ётқизишди. У ерда фарзандларимиз ва набираларимиз саломатлиги учун яратилган кенг имкониятлар ҳамда ўз касбига садоқатли шифокору ҳамшираларнинг кўриб жуда мамнун бўлдим. Айниқса, реанимация бўлимининг бошлиғи 28 йиллардан буён қанчадан-қанча болажонларга ҳаёт бахш этаётган малакали шифокор Алишер Арипов билан суҳбатда бўлганимда камтарин ва самимий инсон куйидаги фикрларини билдириб ўтди.

–Касбим билан ҳақли равишда фахрланаман. Бунинг боиси, шифокор бўлиш ёшлигимдаги орзуим эди. Ниҳоят, ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат тиббиёт олийгоҳига ўқишга кирдим. Мана 28 йилдирки, болажонларимиз саломатлиги йўлида хизмат қилиб келмоқдаман. Эътирофлиси шундаки, Давлатимиз раҳбарининг томонидан инсонлар саломатлиги ҳамда тиббиётимиз равнақига бўлган эътибор ва ғамхўрликлари бизни янада касбимизга садоқат ва шижоат билан ишлашга ундамоқда. Шунингдек, соҳа ходимларининг ишлаши учун барча шароитлар муҳайё. Касб малакамизни ошириш борасида ҳам кенг имкониятлар яратилган. Касбий фаолиятимдан келиб чиқиб, айтадиган бўлсам, болалар шифокори бўлиш, мутахассисдан ўта масъулият ва хушёрлик талаб этади. Лекин, касбимиз завқли. Чунки биз ширинтой болажонларимиз билан ишлаймиз. Уларнинг табассуми, кайфиятининг кўтаринкилиги бизга илҳом бағишлайди. Айрим пайтларда кичкинтойларимиз оғир аҳволда келишганда, кўнгилсиз ҳолатлар бўлганда неча кунлаб ўзимизга кела олмаймиз. Ҳаракат қиламизки, оғир пайтларда бемор болажонларимизни ҳар қандай вазиятдан чиқаришда бор билим тажриба ва малакаларимизни қўлаймиз. Маълумки,

ЭЛ ДУОСИГА МУШАРРАФ БЎЛИШДАН ОРТИҚ БАХТ БЎЛМАСА КЕРАК?



ўзингиз биласиз реанимация бўлимида ишлаш ниҳоятда оғир. Биргина шу сўзни айтганда, юрагим эзилиб кетгандек бўлади. Кўз олдингизга келтиринга, ўлим билан олишаётган гўдак, шифохона ёнида изиллаб турган ота-оналарнинг тушқун руҳиятини кўриб, янада қалбларимиз эзилади. Бир сўз билан айтганда, ҳали тили чиқиб улгурмаган, хушини йўқотиб келган бемор болажонлар дардини айта олмайди. Улар фақат нажот кутишади. Айтишадикун бола дардни кўтаради... Кўплаб даво муолажалардан сўнг ўзига кела бошлаган кичкинтойларни ним табассумини кўрганда хурсандлигимиздан бағримизга босамиз. Тузалиб оиласи бағрига қайтганда эса оила аъзоларининг мамнунлиги ва қўлларини дуога очиши, бу албатта, уларнинг тиббиёт ходимларига бўлган ишончи ва хурматини кўрамыз. Яқинда бўлимимизда оғир аҳволда келган 5 ойлик Муҳаммадазиз Муҳаммаджанов ҳам бир қанча даво муолажалардан сўнг соғайиб оиласи бағрига қайтди. Бундай ҳолатда келадиган болажонларимиз саломатлигини тиклангунча оила аъзоларининг тичлиги йўқолади, биз шифокорлар эса мурғак қалбни ҳаётга қайтариш учун касбий маҳорат ва тажрибамизга таянган ҳолда ҳаракат қиламиз. Бир сўз билан айтганда, реанимация бўлимида фаолият олиб бориш осон эмас. Албатта, туну-кун ишлашга тўғри келади. Шунингдек, хушёрлик ва ўта масъулият талаб этилади. Бўлимимизда фаолият

олиб бораётган ходимларимиз ўз ишларига жиддий ёндошган ҳолда беморларга сидқидилдан хизмат кўрсатишади. Вазифамиз келажагимиз бўлган фарзандларимиз саломатлигини асраш экан, бу борада астойдил хизмат қиламиз, давлатимизнинг устувор сиёсати бўлган оналар ва болалар соғлигига бўлган масъуллигимизни янада оширамиз.

Ҳақиқатан ҳам тажрибали шифокор Алишер Ариповнинг фикрларини тинглаб, азиз ва жондан севган фарзанду, набираларимиз бетоб бўлиб қолишса, ўзимизни қўярга жой топа олмаймиз. Ҳатто, дунё кўзимизга қоронғу бўлиб кўринади. Дилбандларимиз дарддан халос бўлгунча, кўнглимизга ҳеч нарса сиғмайди. Шундай экан, нуридийдаларимиз дардига малҳам бўлаётган мамлакатимизнинг кўп сонли тиббиёт ходимлари меҳнатига қанчалар таҳсин айтсак ва таъзим бажо айласак арзийди. Мен шифо масканларининг болалар бўлимларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг меҳнатлари қанчалик машаққатли ва масъулиятли эканлигини ўз кўзим билан кўрдим ва гувоҳи бўлдим. Шу билан бирга бўлимдаги соғлом муҳит барқарорлиги, оналар ва болалар учун шароитлар-


нинг мавжудлиги, тозалик ва озодалик ҳам бундан мустасно эмас. Жияним Муҳаммадазизнинг саломатлигини тиклашда ўзларининг ҳалол меҳнатлари ва меҳрибонликлари билан муносиб ҳиссаларини қўшган Наманган вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Абду



раҳмонов, шунингдек, кичкинтойимизни ҳаётга қайтишида туну-кун билим ва малакаларини ишга солган реанимация бўлими бошлиғи, ўз касбининг фидойиси Алишер Арипов, реаниматолог Малоҳат Жабборова, даволочилар врач Саъдулла Турғунов, невропатологлар Шухратжон Туйчиев ва Эркинжон Бозоров ҳамда бир-бирдан чаққон кўли енгил қатта ҳамшира Муқаддас Ғаниева, ҳамшира Гавҳар Собиржонова ва жамоанинг барча ходимларига оилавий дил ихоримизни йўллаймиз. Уларнинг машаққатли, масъулиятли ва шарафли ишларига омадлар тилаб, халқимиз саломатлиги йўлида олиб бораётган фаолиятлари янада бардавом бўлишини истаб қоламиз.

ЖАРАНГДОР ОВОЗИНГ ОЛАМ УЗРА ЯНГРАСИН БОЛАЖОН!

Шу фурсатдан фойдаланиб, Наманган вилоят Учқўрғон туман тиббиёт бирлашмаси тасаруфидagi шифо масканларида фаолият олиб бораётган шифокор, ҳамшира, кичик тиббиёт ходими, ҳайдовчи, қўриқчи, қолаверса, боғни бўстонга айлантириб меҳнат қилаётган боғбонларга чексиз миннатдорлигимизни билдираман. Шу жумладан, туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ мажмуасида меҳнат қилиб оилаларга кучамоа ходимларига нулигимни чиман. Куни сканда янги чамиз Се-соғ-сало-келди. Ал-жонни ҳас-сақлаб қо-ходимларимасъулиятлади. Халқилан айтганда, нинг келиши осон учун осон эмаски, ўз тўққиз кун, тўққиз дақиқа ўз вужудида кўтариб юриш. Айниқса, она фарзандини дунёга келтириш дақиқаларида азобли ҳолатларни бошидан ўтказиши. Бир таниқли шоиримиз шундай деган эди. Фарзанд туғилишидан олдин она 72 томирига куч бериб, гўдагини дунёга келтирар экан. Юқоридаги фикрларимизнинг асил моҳиятини айтадиган бўлсам, икки жонни ҳаётини сақлаб қолишда туғруқ мажмуасидаги акушер-гинеколог ва жамоа ходимларининг меҳнати бекиёс эканлигини кўрамыз. Улар она ва бола саломатлиги учун қатта масъулиятни ҳис этган ҳолда дунёга келган чақалоқнинг жарагидор овозига илк бор гувоҳ бўладилар. Она ва бола соғлом. Ахир тиббиёт ходимлари учун бундан ортиқ бахт борми?



Шундай экан, кичкинтойимиз Севинчхон ва онаси ҳамда оила аъзоларимизга шодлик улашган мазкур туғруқ мажмуасининг бош шифокори Шоирахон Аҳмедовага ҳамда барча фидойи касб эгаларига чексиз мамнунлигимизни билдириб, уларга мустаҳкам соғлик, оилавий хотиржамлик, ишларига эса ривожлар тилаб қоламиз.

Малоҳат НАЗАРОВА,
Тошкент шаҳри.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

Жорий йилнинг 18 февраль куни академик С. Бахрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши ва Бошқаруви томонидан қўшма ҳисобот мажлиси бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди Бошқарув раиси Ш.Шарахмедов кириш сўзи билан очиб, фонднинг 2022 йилда амалга оширган фаолиятлари ҳамда келгусидаги режалари тўғрисида ахборот бериб ўтди.



Маърузачи ўтган йилда фонднинг иш режасига киритилган 14 та банддан иборат тадбирлар тўлиқ амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаб, фонд фаолиятига юридик ва жисмоний шахслардан иборат ҳомийларни кенг жалб этиш бўйича режалар ишлар олиб борилиши натижасида 20 дан ортиқ ҳомийлар ҳисобидан 620,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами жалб этилганлигини (бу ўтган йилга нисбатан қарийиб 122,8 миллион сўмга ёки 1,2 бараварга кўп) маълум қилди. Шунингдек, ушбу ҳомийлик ёрдамининг 151,8 миллион сўми (ёки 24,5 фоиз) пул, 236,4 миллион сўми (ёки 38,0 фоиз) дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари, 232,3 миллион сўми эса (ёки 37,5 фоиз) бошқа маҳсулотлар (закот пуллари, байрам совғалари ва б.) кўринишида бўлганлигига алоҳида тўхталди. Шу ўринда таъкидлашим муҳимки, сўнгги 5 йил давомида қабул қилинган ҳомийлик ёрдамларининг ҳажми 2,0 миллиард сўмни ташкил этган. Шу билан бирга, беморларга кўрсатилган моддий ёрдамларда республикамизда фаолият олиб бораётган корхона ва муассасалардан ташқари, саховатпеша инсонларнинг ҳам ўрни бекиёслиги, улар туфайли фонд томонидан кўрсатилаётган моддий-маънавий кўмаклар тури ва ҳажми кўпайиб, қон касаллиги билан хасталанган кам даромадли, ижтимоий ҳимояга муҳтож беморлар, турли тоифадаги ногиронлар, айниқса, болаларни янада кўпроқ қамраб олишга эришилаётганлигига алоҳида ургу берилди. Хусусан, ўтган 2022 йил давомида фонднинг томонидан 584,4 миллион сўмдан зиёдроқ ҳомийлик ёрдамлари тарқатилган (2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 142,6 фоиз ёки 174,6 миллион сўмга кўп).

Айтиш лозимки, ҳомийлик ёрдамлари қуйидагича тақсимланган:

Республика ихтисослашти-

ҚАЛБЛАРГА МЕХР ВА САХОВАТ УЛАШИШ БУ ЭЗГУ ФАЗИЛАТДИР



риган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази клиникасида доволанаётган беморлар учун 2,51 миллион сўмлик дори-дармонлар; 4,98 миллион сўмлик ҳайит байрами совғалари, 7,0 миллион сўмлик янги йил совғалари улашилди. Шунингдек, беморлар хоналарига 1,8 миллион сўмлик иситгичлар берилди. Бундан ташқари, саховатли инсонлар томонидан ажратилган жами 132,0 миллион сўм маблағ клиникада доволанаётган эҳтиёжманд беморларга тарқатилди. Шу билан бирга, Гематология маркази ходимларини рағбатлантириш мақсадида 4,5 миллион сўмлик 30 дона иситгич тиббиёт халати, 2,0 миллион сўмлик бошқа совғалар тақдим этилди. Шунингдек, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига 154,79 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами амалга оширилди. Худди шундай, Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказида доволанётган бемор болаларга 850,0 минг сўмлик дори-дармонлар, 8,0 миллион сўмлик совға ҳайит байрамида ҳамда 6,65 миллион сўмлик янги йил совғалари берилди. Шунингдек, беморлар хоналарига 3,6 миллион сўмлик иситгичлар тақдим этилди. Бундан ташқари, саховатли инсонлар томонидан ажратилган жами 72,35 миллион сўм маблағ марказда доволанаётган эҳтиёжманд беморларга тарқатилди. Шу билан бирга, ушбу марказ ходимларига 5 миллион сўмлик 30 дона иситгич тиббиёт халати, 2,0 миллион сўмлик бошқа совғалар тақдим этилди.

Ҳисобот даврида Болалар гематология марказига жами 101,46 миллион сўмдан зиёд ҳомийлик ёрдами амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлашим керакки, фондимизга яқка тартибда моддий ёрдам сўраб ариза билан мурожаат қилган беморларга ҳам имкон даражасида амалий ёрдам бериб келмоқдамиз. Мурожаат этган фуқаролар республикамизнинг барча ҳудудларидан келиб, Гематология марказларида доволанаётган беморлар ва уларнинг оила аъзоларидир. Ўтган 2022 йил давомида 17 нафар аризага 59,6 миллион сўм моддий ёрдам кўрсатилди. /Тошкент шаҳри (6 нафар), Бухоро вилояти (1 нафар), Жиззах вилояти (1 нафар), Наманган вилояти (1 нафар), Навоий вилояти (1 нафар), Сурхондарё вилояти (2 нафар), Сирдарё вилояти (1 нафар), Тошкент вилояти (3 нафар), Қашқадарё вилояти (1 нафар). Шунингдек, Болалар Миллий тиббиёт маркази; Ногиронлиги бўлган шахсларнинг реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази; “Ўзбекистон чернobilчилари” уюшмаси; Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатига қарийиб 26,5 миллион сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Бундан ташқари, экологик оғир шароитдаги ҳудудлардаги ижтимоий кўмакка муҳтож фуқаро қатламларига етказиб бериш учун “Экосан” ХХЖФга жами 158,3 миллион сўмлик дори-дармон ва тиббиёт маҳсулотлари ажратилди. Сўнгги 5 йил ичида тарқатилган ҳомийлик ёрдамининг миқдори 1 820,6 миллион сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда Фонднинг Устав вазифаларини амалга ошириш мақсадида республикамиз вилоятларида 12 та филиал фаолият олиб бормоқда. Ўтган 2022 йили фондга академик С. Бахрамов номи берилгани сабабли, барча филиал Низомларига тегишли ўзгартиришлар киритилиб, адолия органларида қайта рўйхатдан ўтказилди. Филиалларни қўллаб-қувватлаш, улар орқали

миллий ассоциацияси, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар, Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Сурхондарё, Сирдарё, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё вилоятлари соғлиқни сақлаш бош қармалари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Маълумот ўрнида айтиб ўтмоқчиманки, фонд ўз ваколати доирасида фаолиятини кенгайтириб, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўймоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди ва “Medformir” компанияси (Ҳиндистон) ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш бўйича англашув меморандуми (30.09.2021й.) имзоланди ва унинг ижросига киришилди. Натижада Наманган вилоятида яшовчи У. Абдиев 2022 йили фарзандини Ҳиндистонда ўзақ кўмигини трансплантация қилиб қайтган. Жарроҳлик амалиёти учун сафланган маблағнинг бир қисми Ҳиндистонликлар (4 125 АҚШ доллар.) томонидан қопланган. 2022 йилнинг ноябрь ойида Қашқадарёлик Д.Тухтаев икки нафар фарзандини 2014 йилда туғилган қизи Маржона Бойназарова ҳамда 2020 йилда туғилган ўғли Муҳаммадали Бойназаровни “Наслий гемолитик камқонлиги, оғир даражаси” ташхиси билан Ҳиндистонда доволанишига олиб кетган. Бу фуқарога ҳам фонд томонидан мунтазам моддий кўмак бериб келинади. Бу борадаги ишларни давом эттирган ҳолда чет элликлар билан беморларни даволаш, трансплантация қилиш, кадрлар малакасини ошириш, шунингдек, фонд фаолиятига тегишли бўлган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади ҳамда ҳамкорликдаги фаолиятларимиз бардавом бўлади деб ишонаман.

Ҳисобот мажлисида Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фондининг 2022 йилдаги молиявий аҳволи ва тушумлар, сарф харажатлар сметасининг ижроси, фонднинг 2023 йил учун сарф харажатлар сметасини тасдиқлаш, 2022 йил чора-тадбирлар режасининг бажарилиши ва 2023 йилга мўлжалланган режалар ҳамда бошқа ташкилий масалалар кўриб чиқилди ва тасдиқланди. Хусусан, Васийлик кенгаши аъзолари таркибига янги номзодлар қабул қилинди. Шунингдек, фонд билан ҳамкорлик қилиб, мунтазам равишда ҳомийлик кўрсатиб келаётганларга фонднинг ташаккурномалари топширилди.

Юқоридаги ахборот ва таклифларни инобатга олиб, Фонд Васийлик кенгаши ва Бошқарувининг қўшма мажлиси тегишли қарорларини қабул қилди.

Мухторжон РЎЗИЕВ,
Академик С. Бахрамов номидаги Ўзбекистон Республикаси “Анемия ва лейкомия” хайрия жамоат фонди Васийлик кенгаши ва Бошқарув раисининг биринчи ўринбосари.

ОРАМИЗДАГИ ИНСОНЛАР

Тақдир тақозоси билан учинчи фарзандим белгиланган муддатга тўлмасдан, эртароқ дунёга келди. Балки бу пандемия пайтида “COVID-19”ни анча оғир ўтказганимнинг асоратими, билмадим. Ҳар қалай, ўғилчамнинг аҳволидан келиб чиқиб, тиббий кўрсатмаларга асосан бизни Тошкент вилоят перинатал марказининг муддатидан олдин туғилган чақалоқлар бўлимига жойлаштиришди. Мен шу ерда жажжи фаришталарни меҳр билан парвариш қилаётган шифокорларнинг меҳнатини кўриб, уларга чин дилдан тан бердим. Айниқса, бўлим мудирини, олий тоифали шифокор Дилобар Мамадалиева ҳақидаги илк таассуротларим мени ҳайратга солди...



илигидан ҳайратим мени унинг ҳаёт йўли билан қизиқишга ундади... “Мактабда 3-синфда

муҳими – жондан азиз болажонларимиз соғ-саломат, омон бўлишсин!”.

Дилобар Раҳматуллаевна 2005 йилдан буён Тошкент вилояти перинатал марказида чақалоқлар бўлими мудирини, реанимация бўлими неонатолог шифокори бўлиб ишлаган, 2014 йилдан эса муддатидан олдин туғилган чақалоқлар бўлими мудирини вазифасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Икки фарзанднинг меҳрибон онаси, турмуш ўртоғи – тадбиркор экан.

Мен даволаниш пайтида фаришталар шифокори ва унинг аҳил, ишчан жамоаси фаолиятини беvosита кузатар эканман, ўз вазифасини виждонан адо этиб, халқ олқишига сазовор бўлиб келаётган олий тоифали шифокор Мамадалиева Дилобар Раҳматуллаевнага бўлимда даволанаётган жажжи болажонларнинг оналари номидан чуқур миннатдорчилик изхор этгим келди. Юргимизда шундай тажрибали, олийҳиммат, фидойи ва ҳалол шифокорларимиз борлигидан ҳақли равишда фахрландим!

ўқиб юрганымда, қаттиқ оғриб қолдим. Ўшанда мени даволаган шифокорга ҳавас қилиб, қатта бўлсам, албатта, болалар шифокори бўламан, деб аҳд қилганман”, – дея ҳикоя қилди у. – Шу ҳавас мени Тошкент педиатрия тиббиёт институтига етаклади. Неонатолог-шифокор касбини эгалладим. Зиммаимиздаги масъулият жуда ҳам қатта, фаолиятимиз давомида жуда заиф, парваришга муҳтож чақалоқларни даволаймиз. Лекин ўз касбимни дилдан яхши кўрганлигим учун унча-бунча қийинчиликлар ҳам сезилмайди. Энг

ДИЛ ТАШАККУРИМ СИЗЛАРГА

вишда амалга ошириш, аини вақтда, диллари дардга тўлган оналар билан самимий суҳбатлашиш, керак вақтда йўл-йўриқ кўрсатиш учун қатта профессионал маҳорат билан бирга жуда теран қалб ҳам керак инсонга. Бўлимда даволаниш давомида бу ердаги муҳитдан ростини айтсам, бошим осмонга етди. Бўлим мудирини Дилобар Мамадалиеванинг бўлим иш фаолиятини оқилона ташкил этганлиги туфайли даволовчи врач Дилафрўз Юлдашева, 14 нафар тиббий ходим ва 8 нафар кичик техник ходимлар шифокорларнинг 20 ўринли бўлимида туну-кун, узлуксиз равишда чақалоқлар парвариши билан банд, ҳеч бир чақалоқ бу ерда ҳеч бир дақиқа назоратсиз қолмайди. Барча ходимлар жуда ширинсўз, хушмуомала, ҳар бир она билан худди туғишганидай бор меҳрини бериб гаплашишади.

Тиббий муолажалар вақтида, сифатли амалга оширилади. Палаталар озода-покиза. Бирон-бир ортиқча гап-сўзга ўрин йўқ. Очиғи, бўлимдаги муҳитдан дилинг равшан тортади.

Дилобар Раҳматуллаевнанинг ўз касбини жон-дилидан севиши, шифокорлик мақомини ардоқлаши шундоққина унинг хатти-ҳаракатларидан сезилиб туради. Жуда камтарин, меҳри дарё шифокор. Ҳар бир она билан унинг чақалоғи тўғрисида эринмай, батафсил суҳбат қилади, қўлидан келганича ёрдамлашади. Ҳамширалардан яна бири “Ўзлари шу атрофдаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшайдилар. Туну кун демайдилар, доим ёрдамга тайёрлар, ҳатто меҳнат таътилларини ҳам деярли бўлимда ўтказадилар”, деб қолди. Фаришталар шифокори - Дилобар Раҳматуллаевнанинг касбига бу қадар фидой-

Илоҳим, халқимизнинг бахтига шундай шифокорлар жуда кўп бўлсин ва улар доимо элимизнинг ардоғида бўлиб юришсин! Зеро, шундай фидойи инсонлар бор экан, дунё ўз маромида туради ва ҳаёт ўз измида давом этади.

Дилноза АБДУҒАППАРОВА
Тошкент вилояти, Чиноз тумани.

ПРОФИЛАКТИКА

Врач-эндоскопист Михаил Матвеев рассказал «Известиям» об особенностях проведения эндоскопии и назвал показания для проведения диагностической процедуры.

«Множество заболеваний пищевода, желудка и кишечника могут протекать бессимптомно длительное время, либо симптомы незначительны, и человек адаптируется и привыкает к этому дискомфорту, не обращаясь за помощью к врачам. В конечном итоге заболевание выявляется в запущенной форме, на поздней стадии. Лечение на данном этапе всегда сложнее и не всегда эффективно», – отметил специалист.

Своевременно выявить такие проблемы помогут эффективные методы диагностики, среди которых эндо-

суптвии жалоб. Рекомендованная частота таких процедур – один раз в пять лет.

Другая группа пациентов, которым рекомендовано подобное обследование раньше достижения ими 45-летия, — пациенты с определенными

ОБЯЗАТЕЛЬНЫЕ ПОКАЗАНИЯ ДЛЯ ПРОВЕДЕНИЯ ЭНДОСКОПИИ

скопия. По словам Матвеева, эта процедура является неотъемлемой и незаменимой частью современной медицины.

Врач пояснил, что эндоскопические обследования пищевода, желудка, 12-перстной кишки и толстого кишечника (гастроскопия, колоноскопия) показаны всем людям, достигшим 45-летнего возраста, даже при от-

жалобами. Среди них — изжога, отрыжка, боль в животе, избыточное газообразование и вздутие, диарея, запор, слабость, головокружение и другие.

Еще одна группа пациентов, которым назначают ранний скрининг до 45 лет, — это люди, имеющие семейный анамнез по онкологии либо пациенты с подтвержденным



риском онкологических заболеваний (по результату генетического анализа). Также пройти эндоскопию придется всем, кто готовится к хирургическому вмешательству.

Как уточнил Матвеев, показания к выполнению эндоскопии выставляет лечащий врач по итогам опроса и осмотра пациента.

«Современная эндоскопия — безболезненная и безопасная процедура, выполняется в условиях внутривенной анестезии (пациент спит на протяжении всего обследования). После пробуждения на протяжении 30 минут сохраняется «легкое» опьянение. Таким образом, рано или поздно, но пройти эндоскопию придется всем, кто заботится о своем здоровье. Важно понимать, что лучшее лечение — это профилактика», — резюмировал врач.

Известия.

ИСТЕЪДОД

Инсон камолотида ёшликнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс. Боиси, унда беғубор болалик орзулари, умрнинг энг мунаввар онлари ўз ифодасини топган. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ҳаётбахш ислохотларнинг истиқболи ҳам ёшларимиз билан чамбарчас боғланган. Ҳар бир жабҳада юз бераётган ўзгаришлар истиқболи ёшлар тақдиридан бошланиб, давлат ва жамият ҳаётига кўчмоқда.

Айни жиҳатларга кўра, Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида ёшларнинг ролини янада кучайтириш, истеъодларни кашф этиш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларда ёшларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашдек эзгулик мужассам. Сўнгги йилларда мазкур тизимга бўлган муносабатлар тубдан ўзгариб, ёшларимиз ҳаётига янгича нафас кирмоқда. Фикримиз тасдиғини билиш, кўриш учун мамлакатимизда таҳсил олаётган таълим муассасалари иқтидорли талабалар ютуқлари билан танишинг! Бунда уларнинг кўтаринки кайфияти, эртанги кунга бўлган ишончи ортаётганлигини ҳис қиласиз. Бундан эса дилингиз яйрайди. Масалан,

ОРЗУЛАР ҚАРВОНИДА БАРДАВОМ МАНЗИЛЛАР

Тошкент фармацевтика институти талабаларининг эришаётган ютуқларини олайлик. Бу таълим даргоҳида илм олиш завқи, устоз-талабалар ўртасидаги ўзаро ҳурмат натижасида талабаларнинг янгида янги марраларни эгаллаётганини гувоҳи бўласиз. Улар орасида "Саноат фармацевтикаси" йўналишининг 4 босқич талабаси Жаҳонгир Файзуллаев ҳам бор. Ёш олим 2020-йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўзбек тилининг 31

йиллиги муносабати билан ўтказилган "Энг яхши нотик" аудиотанловида Республика миқёсида фахрли 1-ўринни эгаллаган. 2021-йилда Тошкент фармацевтика институтида "Ёшларни қўллаб - қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили"га бағишланган талабалар илмий жамиятининг аъзаъвий 78-илмий анжуманида ўзининг илмий иши билан қатнашиб, 1-ўринни қўлга кiritди. У яна "Йил талабаси –

ва дипломига сазовор бўлди. Жаҳонгир илмий излашлари давомида таълим адиб Ойбек ҳаёти ва ижодини ўрганиш, унинг фаолиятини ёритиш, илмий тадқиқ қилиш ва тарғиб этишда ҳам ўз иқтидорини



нишлари институт ректори томонидан "Ректор стипендияси"га ҳам давогар бўлган. Жаҳонгир Файзуллаев талабалик йилларидаёқ I та монография, нуфузли хорижий ва маҳаллий журналларда 40 дан ортиқ илмий ишлари ва мақолалар чоп этишга ҳам улгурди. Халқаро ва Республика кўриктанловлари ва фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, 100 дан ортиқ диплом, сертификат, ташаккурнома ва тавсияномаларга эга бўлган ёш олим 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиясига сазовор бўлди.

кашф этиб, Ойбек номидаги махсус стипендия ва кўрак нишонига лойиқ кўрилган. Унинг камтарона меҳнатлари, ижодий ва илмий изла-

Ёшлик инсон умрининг энг гуллаган даври дейишади. Ҳақ гап. Унинг латиф тортиқларидан баҳраманд бўлаётган, орзу-истаклар рўёбини амалга ошираётган ёшлар тақдирининг ўзгаришлар, улар кайфиятида кўтаринкиликни кўрар экансиз, қўлга киритаётган юксак ютуқлари айни чоғда, ёшлар манфаатлари йўлидаги устувор вазифалар, олиб борилаётган ислохотларнинг кўзгуси ҳам бўлаётганлигини дилингиздан ўтказасиз.

Рустам МАЛИКОВ,
Тошкент фармацевтика институти
Ахборот ресурс маркази директори.

• ФВБ ОГОҲЛАНТИРАДИ •

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ёнги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси ходимлари томондан, шаҳар ҳудудида янги қурилаётган кўп қаватли аҳоли турар жойлари ва маъмурий биноларда фавқулодда ҳолатларни олдини олиш бўйича барча ишчи ходимлар билан суҳбатлар ўтказилмоқда.

Содир бўлаётган ёнгиларнинг аксарият сабаблари қурилиш бош пудратчилари томонидан қурилиш майдонида ва «вагонлари»да оддий бўлган ёнги хавфсизлиги қондаларини риоя қилмаслиги ҳамда қурилишда ишлаётган курувчилар томонидан электр ускуналарни ўрнатишда, электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойларда ҳамда қурилиш вагонларини истишда электр иситиш анжомларидан фойдаланиш даврида ёнги хавфсизлиги қондаларига риоя қилинмаганлиги оқибатида келиб чиқмоқда.

Қуйидаги қондаларга амал қилишини сўраймиз яъни, қурилиш майдонида устки изоляция қоплами шикастланган вақтинчалик ўтказилган электр симларидан фойдаланмаслик, электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар 5 м радиусда ёнғичи буюмлардан тозаланиши, портловчи модда ва ускуналардан 10 м узоқликда бўлиши керак ҳамда ёнғичи ўчириш воситалари билан таъминланиши керак, иситиш ва қурилиш учун қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, қурилиш майдонида белгиланмаган жойларда тамаки чекишни таъқиқлаш ва чекиш учун махсус жой ажратиш, қурилиш майдончасида очик алангандан фойдаланиш қатъиян ман этилади, қурилиш майдончасида вақтинчалик сақланувчи ёнғичи қурилиш материаллардан қурилаётган ва вақтинчалик қурилган бинолардан 30 м масофада кам бўлмаслиги керак, қурилаётган бинонинг томида қора сакич эритиш таъқиқланади.

Баҳромхўжа АБДУЛЛАЕВ,
"Қорасув қароргоҳи" Давлат
Резиденцияси ЁХТТББ ЁН
ва НБ мутахассиси.

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ БИРЛИГИ

Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси, Миробод туман Фавқулодда вазиятлар бўлими, Тошкент шаҳар, Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, СЭО ва ЖСҚ ҳамда туман Ветеринария ва Чорвачиликни ривожлантириш бўлими хизматлари ҳамкорлигида Миробод тумани туман Тиббиёт бирлашмасида "Қутириш" касаллигини олдини олиш мақсадида семинар ва кўргазмали махсус-тактик ўқув маишулоти ўтказилди.

Фавқулодда вазият давлат куйи тизимига кирувчи қорхона, ташкилотлар ва фуқаролардан иборат 89 нафар иштирокчи қатнашди. Ҳозирда мавсумий қутириш касаллиги кучайиши борасида, бунақа ҳолатлардан қандай даража химоя қилиш ва даволаш профилактикаси ўтказиш борасида тушунтиришлар берилди ва қутириш касаллиги борасида фуқаролар билан ҳолатлар қайд қилинганди, хизматлар ҳаракати ва бундай ҳолатларни олдини олиш борасида келишиб олинди.

Жасур ЭГАМНАЗАРОВ,
Миробод тумани ФВБП ва НБ
мутахассиси, оддий аскар.

ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Республикамиз ҳудудидаги аҳоли турар жойлари ва халқ хўжалиги тармоқларида содир бўлаётган ҳамда улар оқибатида юзага келаётган кўнгилсиз ҳолатлар ҳар биримизни ташвишга солади албатта. Содир бўлаётган ёнгиларнинг аксарият қисми газ ускуналари, иситиш печларини носоз ҳолда ишлатилиши ва иситиш печларининг дудбуронларини ўз вақтида тозаланмаганлиги қўллаб ёнгилар келиб чиқмоқда.

Ушбу ҳолатларга йўл қўймалик учун қуйидагиларга амал қилишини сўраймиз, хонадондан чиқиш вақтида барча электр мосламаларини ва газ ускуналарини ўчиришни унутманг, газ иситиш печларини назоратсиз қолдирманг, газ иситиш печларини дудбуронларини доимий равишда тозаланишини таъминланг, газ плиталари устида кийим-кечакларни қурутманг, газ плиталарини резина шлангларни орқали улаб олмаг.

Бундай кўнгилсиз ҳолатларни олдини олиш ўзинида боғлиқ.

Алибек МИРЗААХМЕДОВ,
Миробод тумани ФВБП ва НБ
мутахассиси, оддий аскар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси раиси Баҳодир Юсупалиевга падари бузруквори

Қаҳрамон ЮСУПАЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси жамоаси кўмитга раиси Баҳодир Юсупалиевга падари бузруквори

Қаҳрамон ЮСУПАЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

"Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана" газетаси тахририяти жамоаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси раиси Баҳодир Юсупалиевга падари бузруквори

Қаҳрамон ЮСУПАЛИЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Газета
муассиси:
Ўзбекистон
Республикаси
Соғлиқни
сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир
Амрилло ИНОЯТОВ
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари тахририят
компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

Адади 722 нусха.
Буюртма Г-235

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.